

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
кошидаги Фан ва технологиялар маркази
Ўзбекистон Фанлар Академияси И.М.Мўминов
номидаги Фалсафа ва ҳукуқ институти

«ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ» РУКНИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАХОН ХАМЖАМИЯТИ



«Akademiya» нациёти

«Ўзбекистон Файласуфлари милий жамияти нациёти»

Тошкент 2005

Матн муаллифлари:
С.Жўраев, С.Фофуров, С.Алимбоев

Мазкур рисола Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли» китобида ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг концепцияси тўғрисида, ташки сиёсий фаолиятнинг ҳукуқий негизи ва уни амалга ошириш восита-лари ҳақидаги фикр-мулоҳазаси асосида тайёрланган бўлиб, унда Ўзбекистон ташки сиёсатининг устувор йўналишлари ва стратегик мақсадлари миллий манфаатлар ва умумбашарий тамоилиллар замрида таҳдил қилинган.

Шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимизда кечеётган ижти-моий-иктисодий ва сиёсий жараёнларни оқилона идрок этиши нафа-кат ички сиёсатни, балки Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларда тутган ўрни ҳамда ундаги мафкуравий мақсадларни тўғри идрок этишда ушбу рисола мухим аҳамият касб этади.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу рисола тўғри-сидаги фикр-мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкӯчаси, 45-уй. Ўзбе-кистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси.

© «Akademiya» нашриёти, 2005
«Ўзбекистон Файлсуфлари
миллий жамияти нашриёти», 2005

Кириш

Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъниомазмунни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати.

Ислом КАРИМОВ

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма йигилишидаги “Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш” номли маърузасида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ва олдимиизда турган вазифалар ҳақида сўз юритиб, мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятининг пойдевори яратилганини алоҳида эътибор қаратди, бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган стратегик мақсад ҳамда вазифаларни белгилаб берди.

Бунинг учун мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларда иштирок этиш билангина чекланмасдан, уларнинг моҳиятини чуқур тушуниш, англаш ва атрофлича идрок этиш ҳам бўгунги кун талабига айланиб бормоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон ташқи сиёсат стратегияси ни белгилайдиган омиллар, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашуви жараёнида миллий манфаатларимизнинг устуворлигини таъминлаш, мудофаа ҳамда хавфсизлик органлари тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш, ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон— жаҳон сиёсати ва ҳалқаро муносабатларининг фаол иштирокчиси

Бугун ҳеч муболагасиз, ғуур ва ифтихор билан айтиши мумкинки, мустақилликка эришганинииздан бўён ўтган тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг, аввало, ўз ташқи сиёсатини ҳалқаро ҳамжамиятининг тўлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлди. Иккичидан, ҳозирги дунёда 200дан ортиқ мустақил давлат бўлсада, ҳаммаси ҳам мустақил ташқи сиёсат юрита олмайди. Ўзбекистон эса қисқа вакт ичида мустақил давлат сифатида мустақил ташқи сиёсат олиб бора олишини амалда исботлади. Бу — жаҳон сиёсатида давлатнинг нуфузини белгиловчи муҳим мезондир.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг ҳалқаро муносабатлар тизимида кириб бориши ва унда ўз ўрнини эгаллаши ҳалқаро сиёсатнинг ўта чигаллашган даврига тўғри келди. Бир томондан, ҳалқаро тартибот ўзгариб, ҳалқаро сиёсатнинг янги ўйин қоидалари шаклланаётган, ҳалқаро муносабатларнинг глобаллашуви кенгайиб, унинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда, салбий оқибатлари ҳам кучайиб бораётган шароитда, иккинчи томондан эса, ички сиёсатни уйғулаштириш билан боғлиқ муаммоларининг ўзаро боғлиқлиги ҳолатида ташқи сиёсатни аниқлаб олиш ва амалга оширишни ҳар қандай давлат ҳам уддасидан чиқа олмайди. Ўзбекистон ана шундай вазифани бажара олди ва жаҳон ҳамжамиятининг ҳурматига сазовор бўлди.

Тўртингидан, Ўзбекистонда амалга оширилаётгай иқтисодий ислоҳотларнинг нафақат мамлакат манфатларига жавоб бериши, балки янгитдан шаклланаётган халқаро сиёсат ҳамда иқтисодиёт билан ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, иқтисодий ислоҳотлар халқаро иқтисодий жараёнларнинг замонавий талаблари асосида олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш билан бир қаторда, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқиш, рақобатга киришиш, ҳатто муайян ютуқларга эришишимизга замин яратмоқда. Табиийки, ҳозирги кундаги халқаро муносабатларда қайси мамлакат кўпроқ иқтисодий жиҳатларга эътибор берса, ўша мамлакат билан ҳисоблашилади. Ўзбекистон - ана шундай мамлакат.

Бешинчидан, Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини миллий-маданий меросига асосланган ва жаҳон маданий тараққиётининг илфор ютуқлари билан уйғулашган ҳолда амалга оширмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида қайтадан эътироф этилишида маънавий меросимиз бекиёс ўрин тутади.

Олтинчидан, ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсатини амалга оширишда аниқ методология, назарий ёндашув ва миллий мафкурага асосланади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати методологияси, назарияси Президент Ислом Каримов томонидан яратилди. Бугунги кунда Юртбошимизнинг асаллари, гоя ва қарашлари нафақат Ўзбекистон ташқи сиёсати учун, балки Марказий Осиёдаги халқаро муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Жамият ва давлатлар тарихи шуни кўрсатадики, бирон-бир мамлакат бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан тараққиётга эришган эмас. Шарқ ва Фарб мамлакатларини бир-бирига боғлаган Буюк Ипак

йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон бир неча асрлардан буён динлар, миллатлар ва маданиятларнинг туташув нуқтаси бўлиб келмоқда.

Айниқса, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида дунёдаги иирик давлатлар Самарқанд билан ўз алоқаларини ўрнатган. Амир Темурнинг Франция, Англия, Испания қироллари, ўнлаб қўшни давлатларнинг ҳукмдорлари билан ёзишмалари ўша даврдаги жўшқин сиёсий, маданий ва савдо-сотиқ алоқаларидан гувоҳлик беради.

Чор Россияси босқинидан сўнг 130 йилдан ортиқ давом этган мустамлака даврий мамлакатимизнинг ташки алоқаларини узиб қўйди. Хориж билан барча муносабатлар истилочиларнинг назорати ва рухсати билан амалга оширилар эди. Бир пайтлар дунёга донг таратган ўлкамиз чекка бир вилоят даражасига тушириб қўйилди. Советлар даврида эса четга чиқарилган бир-икки дипломат ҳамда вазифаси олий рутбали хорижликларни меҳмон қилишдан иборат бўлган Ташки ишлар вазирлигидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллагани, халқаро муносабатларда муаммоларни ечиш ва зиддиятларни ҳал этишдаги ўзига хос ёндашуви, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги масъулияти билан белгиланмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон ташки сиёсатининг энг мухим йўналишларидан бири — минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқлар тинчлигига раҳна солувчи терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий кураш олиб боришдан иборат. Давлатимиз ана шу мақсад йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, бир қатор давлатлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириб бормоқда. Айни вақтда, бу ташкилотлар ишида фаол иштирок этмоқда.

Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг минтақа ҳавфсизлигини таъминлаш, низоларни сиёсий чоралар билан бартараФ этиш, Марказий Осиё минтақасини ядро куролидан ҳоли ҳудуд деб эълон қилиш, наркобизнесга қарши курашдаги саъӣ-ҳаракатларни мувофиқлаштириш борасидаги амалий ташаббусларини кўллаб-куватламокда.

Ўзбекистон пойтахти Тошкент бугунги кунда нуфузли ҳалқаро ташкилотлар иштирокида ўтказилаётган мухим ҳалқаро анжуманлар марказига айланди. Мазкур анжуманларда қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ва долзарблиги жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши томонидан эътироф этилаётгани Ўзбекистоннинг ҳалқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бораётганидан далолат беради.

1997 йил 19-20 июль кунлари «6+2» гуруҳининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви бунга мисол бўла олади. Унда биринчи бор мухолиф томонларнинг юзма-юз музокара олиб боришлари учун имкон яратилгани, анжуман якунида «Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари» ҳақида Декларация қабул қилиниши ҳалқаро жамоатчилик томонидан афғон заминида тинчлик ўрнатиш борасида ташланган жиддий қадам сифатида баҳоланди.

Мазкур анжуман Ўзбекистон раҳбариятининг кўп йиллик саъӣ-ҳаракатлари натижаси бўлди. Афғонистондаги урушнинг ўз вақтида тинч йўл билан ҳал этилмаслиги минтақавий ва глобал ҳавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини олдиндан кўра билган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 1993 ва 1995 йиллардаги сессиялари, Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти саммити ва бошқа қатор мухим анжуманларда ҳалқаро ҳамжамият диққат-эътиборини афғон ҳалқини уруш даҳшатларидан ҳолос этиш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларига жалб этган эди.

Ўзбекистон раҳбарининг афғон муаммосини ҳал этиш ва минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган амалий ва изчил ташаббуслари БМТ шафелигидаги «6+2» гуруҳининг (Эрон, Покистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Хитой, АҚШ ва Россия) ташкил этилишига асос бўлди. Гуруҳнинг биринчи учрашуви Нью-Йорк шаҳрида 1997 йилда бўлиб ўтган эди.

Афғонистондаги қарама-қарши томонлар «6+2» гуруҳнинг Тошкент учрашувидан кейин ҳам жанговор ҳаракатларини давом эттиргани ҳалқаро жамоатчиликнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1999 йил 15 октябрда «Толибон» ҳаракатига қарши чекланган жазо чораларини жорий этиш ҳақида резолюция қабул қилди. Унда ўзини Афғонистон ислом амирлиги деб атаётган афғон гуруҳи томонидан ҳалқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотчиларига бошпана берилиб, қўллаб-қувватланаётгани қатъий қораланиб, ҳалқаро террорчиликда айбланаётган Усама Бин Лодени одил суд ҳукмига топшириш талаб қилинган эди.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши раиси Бош ассамблеядада «Афғонистондаги вазият» масаласи кўриб чиқилиши муносабати билан 1999 йил 22 октябрда кенгаш аъзолари номидан баёнот эълон қилди. Унда афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилган Тошкент декларацияси қўллаб-қувватланди.

Иккинчи жаҳон урушининг охирида портлатилган ядро бомбалари инсоният тарихий тараққиётида сифат жиҳатидан янги — ядрорий давр бошланганидан далолат берди. Ўта даҳшатли кучга эга бўлган бу қурол инсоният тарихида мисли кўрилмаган илмий-техник қудратни намойиш этиш билан бирга, жаҳон хатарли чегарага яқинлашганини, ердаги барча мавжудотларнинг, умуман, ер куррасининг ҳалокати хавфи туғилганлигини кўрсатди.

Ҳозирги пайтда тўпланиган илмий маълумотларни
тахминлар ядровий портлашлар курундан келинадиган экологик фожианинг бутун миқёсими имомбандиди. Агар ер юзида ядровий уруш рўй берадиган бўлса, у куррамиздаги энг сўнгги уруш бўлиши шубҳасиздир. Чунки, атроф-муҳитда рўй берадиган фалокатли ўзгаришлар инсониятнинг ер юзида яшаши имкониятини йўқка чиқаради.

Жаҳоннинг айrim давлатлари ўртасидаги ҳарбий-сиёсий зиддиятлар, баъзи давлатларда оммавий қирғин куролларининг катта микдорда тўпланиб қолиши ўзаро низолар чогида ядровий куролларни кўллаш эҳтимолини кучайтиради. Шу сабабли ядро куролларни чеклаш, ядро синовларини тақиқлаш, ер юзининг турли нутқаларида ядровий куролдан ҳоли ҳудудлар барпо этиш ҳаракатлари жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг кўллаб-куватланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Ка-риров БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сўзла-ган нутқида Марказий Осиёни ядросиз зона, деб эълон килиш ташаббусини илгари сурди. «Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан тъминланиши мумкин эмас, — деди Юрбошимиз ўз нутқида, — минтақа хавф-сизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажратган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро куролининг батамом тугатилиши учун, ядро куролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарали ишлани ва унинг ѡч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қиласи. Ўзбекистон Мар-казий Осиё минтақасининг ядросиз зона, деб эълон килинишининг қатъий тарафдоридир».

Мазкур ташабbus Президентимизнинг 1996 йия де-кабрда бўлиб ўтган ЕХХТ Лиссабон учрашувида сўзла-ган нутқида яна бир бор йигилганлар эътиборига хаво-

ла этилди. Аңжуман қатнашчилари Марказий Осиёни ядроиз зона, деб эълон килиш ҳақидаги фикрини катта қониқиш билан кутиб олди.

1997 йил апрель ойида Женева шаҳрида Марказий Осиёдаги беш давлат экспертлари минтақавий гурӯхининг биринчи ийтилиши бўлиб ўтди. Ўша йили июнь ойида Ўзбекистон ҳайъати биринчи бор атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) бошқарувчилари кенгашининг Вена шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида иштирок этди. Ўзбекистон ҳайъати раҳбарининг расмий баёнотида Ўзбекистон Республикаси ва минтақадаги бошқа давлатларнинг ядроиз зона ташкил этиш борасидаги қарашлари баён этилди.

1997 йил 14-16 сентябрь кунлари Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 56 мамлакат ва 16 халқаро ташкилотдан 200 дан ортиқ киши иштирок этди. Ислом Каримовнинг мазкур анжумандаги нутқида баён этилган ядроиз хавфсиаликни таъминлаш чоралари ҳақидаги фикрлари анжуман қатнашчилари томонидан тўла кўллаб-куватланди.

Хўш, «Ядроиз зона»нинг қандай мезонлари бор? Халқаро амалиётда бундай ҳудудларни белгилашнинг ягона мезони йўқ. Тадқиқотчилар ядроиз зона тушунчасини шундай изоҳлайди: «Ядроиз зона қурол-яроғларни чеклаш, ядроиз низо чиқиши хавфини камайтириш, мазкур зонага кирадиган мамлакатлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва 1968 йилда имзоланган ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартноманинг ҳаётта татбиқ этилишига кўмаклашиш воситасидир. Халқаро шартнома асосида ядро қуролини синаш, ишлаб чиқариш ва жойлаштириш тақиқланган, шунингдек, унинг ҳудудида ва унга қарши ядро қуролини қўллаш тақиқланган зона — ядроиз зона ҳисобланади».

Хозирги пайтда тўртта ядросиз зона мавжуд - Антарктида (шартнома 1961 йил 23 июнда кучга кирган), Лотин Америкаси (шартнома 1969 йил 25 апрелда кучга кирган), Тинч океанининг жанубий қисми (шартнома 1986 йил 11 декабрда кучга кирган), Африка китъаси. Барча зоналар ҳақидаги шартномалар Ўзбекистон Республикаси томонидан эътироф этилган.

Шимолий Европада, Марказий ва Жанубий Осиёда, Яқин Шарқда ядросиз зоналар барно этиш гоялари мавжуд. Бундан мақсад, ядро қуроли мавжуд бўлган ҳудудларни чеклаш, ядро уруши ҳавфини камайтиришдир.

Марказий Осиёда ядросиз зона барпо этиш ҳақидаги Ўзбекистон ташаббуси БМТ ва жаҳон жамоатчилиги томонидан тўла кўллаб-куватланмоқда. Бу таклиф БМТ Бош ассамблеясининг сессияларида муҳокама қилинди ва бу борада маҳсус резолюция қабул қилинди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд барпо этиш фақат минтақадагина эмас, балки жаҳон миқёсида ҳам тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Давлатларнинг обрў-эътибори ҳам бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий, ҳарбий курдат билан биргаликда, мамлакатдаги демократик жараёнларнинг характеристери билан белгиланмоқда. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнлари жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин згаллашга ва миллий манфаатларимиз асосида ташқи сиёsat юритишга имконият яратмоқда.

XX асрнинг охирида инқилоблар юз йиллиги жаҳон саҳнасида социалистик тузумнинг емирилиши билан якун топди. Собиқ «қизил империя» ҳудудида ҳалқаро муносабатлар ва ҳалқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектлари — янги мустақил давлатлар пайдо бўлди.

Шулар қатори, узок давлатчилик тарихига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз миллий тараққиёт йўлини танлаб олди. Қадимги маданият ўчоқларидан бири ҳисобланган юртимиз яна жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисмига айланди.

Миллий давлатчилигимизнинг бир қатор соҳалари собиқ шўролар тузуми даврида инқирозга юз тутган эди. Ўта марказлашган тоталитар тузум шароитида иттифоқдош республикалар амалда ўз мустақиллигини йўқотган эди. Ўзбекистон Республикасининг ташқи алоқалари ҳам марказ орқали, унинг кўрсатмаси ва назорати остида амалга ошириларди. Истиқлол кўлга киритилгач, ёш давлатимиз олдида ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларни йўлга қўйиш ва шу мақсадда янги давлат тузилмаларини ташкил этиш масаласи кўндаланг турарди. Чунки бусиз ҳалқаро ҳамжамиятга кириб бориш мумкин эмас. Зеро Ўзбекистон фаол ташқи сиёсат юритиш билан ҳалқаро ҳукуқнинг тенг ҳукуқли аъзоси сифатида ўз давлатчилигини қуриши, мустақилликни мустаҳкамлаши, дунёда ўзининг муносаб ўринини эгаллаши лозим эди. «Ўзбекистон йўли — жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўли» шиори илгари сурилди.

Мустаҳкам хавфсизлик, изчил иқтисодий тараққиёт учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, конституцион тузум асосларини мустаҳкамлаш, миллатлар аҳиллиги, ҳалқлар дўстлиги, фуқаролар эркинлиги ва ҳақ-ҳукуқларини муҳофаза қилиш ташқи сиёсатнинг асосий мақсадлари дандир. Ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш, жаҳон ҳамжамияти билан табиий алоқаларни йўлга қўйиш истагида ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятнинг миллий механизмлари яратилди.

1944 йилда ташкил этилган республика Ташқи ишлар вазирлиги фаолияти тубдан ислоҳ қилинди. 1992

йили Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, 1991 йили Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил топди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида малакали қадрлар тайёрлашнинг давлат тизими яратилди. Ташқи алоқалар соҳаси учун миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил топди. Ташқи иқтисодий ва сиёсий фаолиятни тартибга соловучи «Чет эл инвестициялари тўғрисида» (1998), «Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида» (2000), «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти-нинг асосий принциплари тўғрисида» (1996), «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги (1995) қонунлар, шунингдек, Консуллик Устави, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Мана шундай назарий ва амалий қадамлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда давлатимиз мустақиллигини 170 га яқин мамлакат тан олди. Уларнинг 120 нафари билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистонда 43 давлат ва 20 та йирик халқаро ташкилот миссиялари аккредитация қилинган. Ўз навбатида, Ўзбекистон 40 дан ортиқ йирик ташкилотлар ҳамда 500 дан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъектлари билаи ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон фуқаролари томонидан хорижий давлатларда 180 та корхона ва ваколатхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон 34 та давлат билан «Инвестицияларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисида» шартнома имзолаган.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади ва Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида фътироф этилмоқда. Бундай обрў-эътибор тарихий давлатчилигимиз,

маънавиятимиз ва олдимизга қўйган мақсадларимизга ҳамоҳангидир. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, барқарорликка асосланган ташқи сиёсатини изчил давом эттираверади. Бунинг учун етарли сиёсий, иқтисодий, маънавий имконияти мавжуд.

Истиқлоннинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигига ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ва асосий тамойиллари белгиланди ҳамда оғишмай амалга оширила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

- мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қиласлик;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;
- ички миллӣ қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;
- тажовузкор ҳарбий блок ва ўюшмаларга кирмаслик;
- давлатлараро алоқаларда тент ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорликнинг устунлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик.

Бу тамойилларга давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига

аралашмаслик каби халқаро ҳукукнинг умумэътироф этилган қоидалари асос қилиб олинган.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ биринчى сессиясидаги маърузасида бошқа соҳалар қатори ташқи сиёsat борасидаги навбатдаги вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Жаҳондаги барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, етакчи халқаро иқтисодий, молиявий ҳамда инсонпарварлик ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш бундан кейин ҳам устувор йўналиш бўлиб қолиши таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг конституциявий замини яратилди. Шунга мос равишда инсон ҳукуқлари ҳам тикланмоқда. Халқимизнинг маънавий салоҳияти, унга хизмат қиласидиган табиий ва техникавий захиралар, мустаҳкамланаётган халқаро муносабатлар демократик ривожланиш ва инсон ҳукуқларига риоя қилиш учун барча шароитларнинг босқичма-босқич яратилишига кафолат беради.

Ўзбекистон Конституяси «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ги қонунда белгиланган конституциявий анъаналарни давом эттиради. Мазкур анъаналарга кўра, халқаро ҳукуқ давлатимиз қурилишининг муҳим манбаи бўлиб, Ўзбекистон ўзининг халқаро ҳукуқ нормаларига содиклигини конституциявий даражада мустаҳкамлаб, намойиш этмоқда.

Бу эса ёш мустақил давлатимизнинг энг нуфузли халқаро ташкилотларга қабул қилинишига имкон берди. Республикализнинг мустақил давлат сифатида бошқа давлатлар томонидан дипломатик тан олинишига, халқаро иқтисодий муносабатларга киришишига йўл очди.

БМТ низоми, Инсон ҳукуқлари тўғрисидаги умумжакон декларацияси ва инсон ҳукуқлари ҳақидаги бошқа

халқаро актлар, Хельсинки битимлари, Париж ва Мадрид хартиялари қоидалари Конституциямиздаги халқаро ҳукуқ принциплари ва нормаларига асос бўлди. Бундай конституциявий ёндашув, айниқса, Асосий қонунимизнинг муқаддимаси, 4-боби, иккинчи бўлимининг 22-23 ва 26-бобларида яққол кўзга ташланади. Бу бобларнинг «Ташқи сиёсат», «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳукуқлари, эркиниллари ва бурчлари», «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти», «Сайлов тизими», «Мудофаа ва хавфсизлик» деб номланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон манфаатини ҳимоя этиш — ташқи сиёсатимизнинг асосий мақсади

Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

XX асрнинг сўнгти ўн йиллиги ижтимоий дунёқараш ва жаҳон ҳамжамиятининг жўғрофий-сиёсий тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб тарихга кирди. Жаҳон ҳамжамияти янги даврга қадам кўйди. Бу давр ўзининг икки жиҳати билан ажralиб туради. Биринчидан, бу давлатлар, халқлар ўртасидаги яқинлашув жараёнлари ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий, иқтисодий ва ҳукуқий маконларнинг вужудга келиши, ҳозирги замон халқаро ҳукуқ нормаларининг яратилишида намоён бўлади. Иккинчидан, «социалистик лагер»нинг емирилиши, мустабид тузумга асосланган давлатларнинг тугатилиши, улар ўрнида мустакил давлатларнинг пайдо бўлишида кўринади. Эндиликда «совуқ уруш»га барҳам берилди, «капиталистик» ва «социалистик» деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб бораётти. Мафкуравий ақидалардан холи бўлган янги, эркин тафаккурни шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёти йўли» китобида Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг концепцияси тўғрисида, ташки сиёсий фаолиятнинг ҳукукий негизи ва уни амалга ошириш восита-лари ҳакида тўхталиб ўтган. Ўзбекистон ташки сиёсатининг стратегик йўналишишга асос қилиб олинган қоидалар, унинг устувор мақсадлари ва минтақавий йўналишилари, ҳусусиятлари негизида республиканинг миллий манбаатлари ўз ифодасини топган. Ҳар қандай давлат сиёсати ақл-идрок билан иш тутишни тақозо этади. Ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жиҳатдан тараққий этиш учун ҳуччили илмий, ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган мамлакатнинг ташки сиёсати эҳтирослардан холи бўлиши лозим. Республикализ ана шундай давлатлар сираси-га киради. Янги ҳалқаро иктисодий тартиб учун ҳаракат қилиш қоидалари Ўзбекистон учун ҳам дикқатта молик масаладир. Бу хомашё ва саноат маҳсулотлари нарх-наволарнинг адолатли нисбати, ривожланаётган давлатларнинг фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконияти ва ҳоказолардир.

Ташки сиёсий фаолият учун ҳукукий негиз яратиш устувор вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуидагилар амалга оширилди:

- ҳалқаро муносабатларни ўрнатиш тартибини белгиловчи янги ҳукукий ҳужжатлар ишлаб чиқилди;
- собиқ Иттифоқ иштирокчи бўлган ҳалқаро ҳукукий ҳужжатлар мажмуаси республика манбаати нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди;
- Ўзбекистоннинг миллий манбаатларига мос тушадиган ҳужжатлар ратификация қилинди.

Мамлакатимизнинг ҳалқаро миқёсдаги фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган «Кабул қилинган ҳалқаро шартномалар тўғрисида»ги Конун, «Консулик устави» каби Конунилар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Булардан таш-

тари босхона хизматининг хукукий асосларини яратувчи
қонун ҳамда «Ҳаво кодекси» қабул қилинди. Юртбоснимиз
Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва та-
раккиёт йўли» китобининг ташқи сиёсатта багишланган
бобида ушбу фаолият йўналишлари аниқ-равшан ифодада-
лаб берилган. Жумладан, унда миллий манбаатлар Ўзбе-
кистон ташқи сиёсатининг устувор мақсади эканлиги қатъий
баён этилган.

Давлат манбаатлари унинг ташқи сиёсий фаолияти-
ни белгилайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг ташқи
сиёсий манбаатлари халқаро алоқаларни ривожланти-
раёттан, унинг тузилмалари ва фаолиятини белгилаб
бераётган кучdir.

Барча давлат ва халқаро ташкилотлар билан алоқа
килишда давлатимизнинг миллий манбаатларидан ке-
либ чиқлади. Табиийки, бунда шерикларимиз манба-
атлари, улар олиб бораёттан ташқи сиёсатнинг устувор
йўналишлари ҳисобга олинниши зарур. Зоро, бусиз таш-
қи сиёсатни тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва давлатлар-
аро уюпмалар фаолиятидаги иштироки республика та-
шқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу
ташкилотлар жаҳон ҳамжамиятига кириш, хўжалик ало-
қаларини ўрганиш, экологик муаммоларни ҳал этиш,
илимий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришда кат-
та ёрдам бермоқда.

Республика Президенти давлатимиз ўз принципиал
позициясига эга бўлгани ҳолда халқаро талабларга риоя
этишта тайёрлигини қатъий ифодалади. Инсон хукуқла-
ри эътироф этилган умумжаҳон Декларацияси асосидаги
кафолатлар, БМТ Низоми ва Хельсинки келишуви қоидалари
ўзаро ҳужум қиласлиқ, халқаро муносабатларда
куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, хал-
қаро хукуқ нормаларининг миллий қонувлардан устуворлигига амал қиласдан халқаро жаҳон ҳамжамиятига

кириб бўлмайди. Жаҳондаги барча тараққийшарвар мамлакатлар худди шундай ёндашув тарафдоридир.

Бугунги кунда мустақил ташки сиёсатини юритаётган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла хукуқли субъектидир. Унинг ташки сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид килемаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро хукукнинг умумътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Ўзбекистон бутун дунё кўз ўтида ташки сиёсий ва маданий алоқаларнинг бой тарихига эга бўлган, мустақил равишда замонавий дипломатик алоқаларни амалга ошираётган тинчликсевар хукуқий давлат сифатида на-моён бўлмоқда. Халқаро хукуқ нормалари жиҳатидан Ўзбекистон учун ҳар қандай давлат баравардир.

Ўзбекистон тараққиётининг конституциявий асоси сифатида инсон хукуқлари тикланмоқда. Халқимизнинг маънавий салоҳияти, унинг улкан табиий ва техник заҳиралари, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалари демократик тараққиёт ва инсон хукуқларига риоя этилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжудлигига ишонч тудиради. Бу имкониятлар мамлакатимизнинг амалда жаҳон субъектлари томонидан тан олинниши, дипломатик ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожланишига йўл очиб берди.

Халқаро муносабатларни ривожлантиришда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик қадриятлар, халқаро хукуқ асосида ўз ташки сиёсатини юритиши, ўзаро муносабатларда куч ишлатмасдан, музокаралар ёрдамида муаммоларни ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат килиш мухим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг мил-

лий минифаатларини ҳимоя қилиш қадриятларимизни тиклаш ва мустахкамлаш асосида олиб борилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминланында Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Ўзбекистон халқ ҳўжалигидаги аниқ лойиҳаларга сарфланайтган хорижий сармоялар микдори йилдан-йилга ортиб бораётти. Кейинги йилларда қад кўтараётган замонавий иншоотлар ва йирик корхоналар бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистонда қурай инвестицион мухитни шакллантириши, экспортга йўналтирилган иқтисодий тизимни вужудга келтириш бўйича ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёни ҳам изчиллик билан давом этаётти. Айни пайтда, мамлакатни жаҳон билан боғловчи коммуникацион тизимларни ривожлантириш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Чет эллардаги таниқли иқтисодчилар, хорижий компаниилар ваколатхоналари раҳбар ва мутахассислари, ёзувчи ва журналистлари бу тадбирлар туфайли Ўзбекистон яқин келажакда минтақадаги энг илғор давлатлардан бирига айланышини башпорат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг бой ресурслари, малакали мутахассислари, Марказий Осиёдаги етакчи мавқеи ҳам жаҳон давлатларини ҳамкорликка ундумоқда. Ўзбекистон ҳозирги пайтда 130дан ортиқ хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини олиб бормоқда. Юртимиздаги 15 мингта яқин корхона ўз маҳсулотларини экспорт қилиш билан шугулланмоқда. Халқаро муносабатлар равнақи мамлакатимизда хавф-сизлик ва барқарорликнинг, аҳоли турмуш даражасини

юксалтиришнинг ўзига хос кафолати экани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон бир қатор ҳалқаро ташкилотлар - Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) билан тенг ҳукуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса махсус битимлар асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги алоқаларимиз минтақада тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашга муносиб ҳисса кўшмоқда. АҚШ ва бошқа етакчи давлатлар аскарлари билан биргаликда ҳар йили ўтказилаётган ҳарбий машқлар қуролли кучларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари ва ҳукumat бошлиқларининг Истамбул шаҳрида бўлиб ўттан учрашуви давримизнинг энг муҳим анжуманларидан бири бўлди. Республикамиз Президентининг мазкур анжумандаги нутқи аниқ таклифлар ва мулоҳазалари билан йигилганлар эътиборини қозонди. Айниқса, терроризмга қарши кураш бўйича ҳалқаро марказ ташкил этиш борасидаги таклиф кўплаб давлатлар томонидан кўллаб-қувватланди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ана шундай марказнинг таъсис этилишига ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг таклифи сабаб бўлди.

Ўзбекистон ўзининг ташки алоқаларини ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ташкил этиш тарафдоридир. Бугунги кунда ер юзининг турли чеккаларида ишончли ва манфаатдор шерикларимиз бор. Уларнинг доираси мунтазам кентайиб бормоқда. Шу ўринда Америка Кўшма Штатлари билан муносабатларимизни тилга олишимиз мумкин. Бу муносабатлар иккала давлат учун ҳам муҳим бўлган йўналишларда изчилий билан ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон расмий делеги-

циясининг 2002 йилда АҚШга ташрифи, стратегик ҳамкорликни вужудга келтириш хусусида имзоланган ҳужжатлар, бир қатор ҳалқаро анжуманларда икки давлат раҳбарининг мулоқотлари, самимий ёзишмалар ўзаро алоқалар даражаси юксаклигидан далолат беради. Дунёнинг етакчи давлати, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятта эга.

Европа Иттифоқи билан 1996 йилда имзоланган шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома 1999 йилнинг 1 июлида кучга кирди. Мамлакатимизнинг Европа давлатлари билан кенг миқёсли алоқалари учун кулай имконият вужудга келди. Табиийки, Германия, Франция, Буюк Британия каби илгор давлатларнинг демократик жамият қуриш борасидаги тажрибалари, ишлаб чиқаришдаги илгор технологиялари биз учун муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари - Япония, Корея Республикаси, Хитой ва бошқа давлатлар билан алоқаларимиз кенгайиб бормоқда. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз самараларини қурилаётган қўшма корхоналар фаолиятида, қад кўтаратётган иншоотларда, бозорларимиздаги хилма-хил маҳсулотларда қўриш мумкин.

Албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар, шу жумладан, Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорлик ташки сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунга сабаб, Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан борлантилигини эмас, балки чуқур тарихий илдизлар, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида ҳалқларимизнинг муштарак тақдирга эга бўлганилигидир.

Россия Федерацияси билан мустақиллик йилларда шакланган ўзаро манфаатли ва тенг ҳукуқли ҳамкорлик яхши самара берәёттанини алоҳида таъкидлап зарур. Иккى мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўринатилгандан (1992 йил) буён сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда жами 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланган. 1998 йил май ойида Ислом Каримовнинг Россияга ва ўша йил октябрида Б.Ельциннинг мамлакатимизга расмий ташрифлари, сафар давомида қабул килинган ҳужжатлар, айниқса, 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ақамиятга зга бўлди. В.Путин Президент сифатида илк сафарини Ўзбекистондан бошлигани ҳам Россия раҳбарияти мамлакатимизни ўзининг стратегик шерикларидан бири, Марказий Осиёдаги етакчи давлат деб билишидан далолат беради.

Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақида имзоланган шартнома Марказий Осиё интеграцияси йўлидаги илк қадам бўлган эди. 1998 йили бу шартномага Тожикистон ҳам қўшилди. Эндиликда Давлатлараро кенгаш ишлаб турибди, ҳамдўстлик дастурларини рӯёбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Мазкур интеграция халқимизнинг манфаатларига тўла мос келади, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. 2000 йил 20-21 апрель кунлари Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви чорида имзоланган терроризмга, сиёсий ва диний экстремизмга, халқаро миқёсдаги уюшган жиноятчиликка қарши кураш юзасидан биргаликдаги ҳаракатлар тўғрисидаги шартнома бунга мисол бўла олади.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида тарихни мөжаролар ва адват эмас; балки ҳалқлар ўртасида ҳамкорлик ва ишонч олга ҳаракатлантиради, деб таъкидланган эди. Ўзбекистоннинг кенг миқёсли ҳалқаро алоқалари ана шу фикрнинг амалий ифодасидир.

Мудофаа ва хавфсизлик органлари тизимиши ривожлантириши

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августида бўлиб ўтган навбатдан ташқари ўн иккичи чакириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Баёнотида “Давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг Конституциявий ҳукуки ва эркинликларини химоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардия тузилди. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлиги, СССР Давлат хавфсизлик комитети ҳамда Ички кўшинлари Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига билинади”, деб кўрсатилган эди. Бу ўша куниёқ “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Конун билан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги фармони билан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига асосан Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳукукий мақоми, тузилиши ва низоми тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро ҳукуқнинг субъекти сифатида ўз армиясини тузишга қарор қилишиб, мамлакат ҳудудидаги давлат ҳарбий машинасинг барбод бўли-

шининг олдини олди, янги вужудга келган давлат хизматчиликти химояси таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг вужудга келишида Ўзбекистон Республикаси Олий Конграпининг 1992 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўкув муассасалари тўғрисида” қарорининг қабул қилинishi мухим аҳамиятта эга бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида “Мудофаа тўғрисида”, “Умумий ҳарбий мажбурият ва хизмат тўғрисида”, “Муқобил хизмат тўғрисида”ги қонуилар, Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Кўрилган тадбирлар натижасида:

- Куролли Кучларнинг ташкилий-штат тузилиши тақомиллаштирилди ва унга мувофиқ ҳарбий қисмлар, муассасалар ва ҳарбий ўкув юртлари ислоҳ қилинди;
- ҳарбий билим юртлари тармоқларини кенгайтириш ва Куролли Кучлар академиясини барпо этиш ҳисобига миллий ҳарбий кадрлар тайёрлаш мукаммал тизими яратилди;
- ҳарбий хизматчилар барча тоифасининг таълим жараёни яхшиланди;
- минтақадаги геостратегик вазият ва ҳарбий-сиёсий ҳолат ҳисобга олинниб, кўшинларни жойлаштириш тизими тақомиллаштирилди. Бу давлат чегараларини ҳамда ҳаликимиз манбаатларини ишончли химоя қилиш имконини яратди;
- замон талабларига жавоб бера оладиган кўшинларни барқарор бошқариш тизими барпо этилди;
- ҳарбий хизматни ташкил этишининг инфратузилмаси яратилди.

1995 йил августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиининг учинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси мамлакатнинг ҳарбий соҳадаги сиёсатини белгилаб берди.

Куролли кучлар тўла шаклланиб бўлгач, уни замон талаблари даражасида ислоҳ қилишни талаб этди. 1998-

2000 йиллар ишлөхтларнинг биринчи даврини ўз ичига олиб, бу даврда:

- кўшилварда тезкор бошқарувни амалга ошириш максадидаги ҳарбий округлар, чегара районлар, ички ишлар кўшиларининг худудий тузилмалари тузилди;
- мухим стратегик йўналишларда кўшин гурӯхлари ташкил этилди;
- ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшилари белан ҳарбий ҳаво кучлари бирлаштирилди;
- маҳсус операциялар кучлари батальонлари тузилди;
- жанговар қисм ва бўлинмаларнинг янги штат тузилиши жанговар ўкув машқлари жараёнида синовдан ўтказилди.

Ишлөхтларнинг иккинчи даври 2000-2002 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда Мудофаа вазирлигининг Бош штаби куролли кучлар бирлашган штабига айлантирилди;

- 2000 йил 3 февралда Миллий ҳавфсизлик кенгашида давлат ҳарбий сиёсатининг асосий йўналишларини белтилаб берувчи ҳарбий доктрина қайта кўриб чиққилиб, минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳамда куролли кучлар ислоҳотлари вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Мудофаа доктринаси қабул қилинди;
- Мудофаа вазирлиги ва Бирлашган штаб вазифалари аниқ белтиланди;
- Мудофаа вазирлиги, Чегара ва Ички қўшилар кўшилмаси ҳамда қисмларининг тубдан янги жанговар, техник, таъминот тизими жорий этилди;
- жанговар ҳаракатларни олиб бориш юзасидан асосий меъёрий ҳужжатлар, кўрсатмалар, йўрикномалар яратилди;
- сержантлар тайёрлаш мактаби ташкил этилди.

«Мудофаа тўғрисида» ги Конунда (2001 йил 11 май) мудофаани ташкил этишининг ҳамда Ўзбекистон Куролли Кучларини бошқаришнинг хуқуқий асослари, мамлакат мудофаасини таъминлашда давлат ташкилотларининг ва-

жолатлари, шунингдек, фуқароларнинг ўз-ӯзини бўйича ташкилотларниш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг давлат мудофаасини таъминлашдага ваколатлари белгилаб берилиди.

Конституцияга ва «Мудофаа тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти - Куролли Кучлар Олий Бош кумондонидир.

Мингақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, куролли кучларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатимиз ёшлигининг ҳарбий хизматта қизиқишни кучайтириш хамда давлат мудофаа курдатини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Конун (2002 йил 12 декабрь) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида тубдан қайта ишланган асосда қабул қилинди. Қонунга кўра, ҳарбий хизматни ташкил этиши масалалари такомиллаштирилди ва унинг қуйидаги турлари жорий этилди:

- муддатли ҳарбий хизмат;
- шартнома сафарбарлик-чакирув резерв ҳарбий хизмати;
- контракт бўйича ҳарбий хизмат;
- Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Муддатли ҳарбий хизмат чакирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек, муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун хужжатларида белгиланган муддат мобайнида Куролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир. Муддатли ҳарбий хизмат календарь ҳисобида оддий аскарлар ва сержантлар учун 12 ой, олий ўкув юргларнинг ҳарбий кафедрасида ҳарбий таълимни олмаган ёшлар учун 9 ой қилиб белгиланган. Ҳарбий хизматнинг ушбу тури муддатларини Президент Ислом Каримов ўз маърусасидаги асослаб берган.

Сафарбарлик-чакирув резерв ҳарбий хизмат янги хиз-

мат тури бўлиб, унга муддатли ҳарбий хизматни ўташга ярокли ҳамда чакирилиш муддатини кечиктириш ва чакирилишдан озод этилиш хукуқига эга бўлмаган, бироқ Куролли Кучлар сафига навбатдаги муддатта чакирилмаган шахслар олинади.

Сафарбарлик-чакирув резерв хизмат жудудий принцип асосида ойлик йигинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чакирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маҳсус ҳисоб варагига пул бадалла-ри киритилишини назарда тутади.

Сафарбарлик-чакирув резерв ҳарбий хизмат сафига фуқаролар 27 ёшга тўлгунга қадар олинади ва ҳар йилги ҳарбий йигинларга чакирилиши мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажковуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга чакирилади.

Сафарбарлик-чакирув резерв ҳарбий хизмат сафига олинган шахслар тўлайдиган пул бадаллари микдори (республикада белгиланган энг кам иш ҳакининг 25 баробари микдорида) ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида низом билан белгиланади. Бу маблағлар муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиликнинг пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек, сафарбарлик чакируви резервидаги ҳарбий хизмат сафига олинган шахс-ларнинг ҳарбий йигинларини ўтказишга максадли йўналтирилган бўлади.

Сафарбарлик-чакирув резерв ҳарбий хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Куролли Кучлар ислохотларида профессионал армия ташкил этиш асосий стратегик вазифа ҳисобланади. Шу сабабли Куролли Кучларни ташкил этишда контракт бўйича ҳарбий хизмат алоҳида аҳамиятга эга.

Президентимиз бу масалани қўйидагича баён этди: «Бундан мақсад шартнома -контракт асосидаги ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб биладиган, ҳақиқатан ҳам оғир ва шарафли касб эгаси бўламан, деб интиладиган фуқаролардан ташкил топадиган армияни барпо этишдир.

Содда қилиб айтганда, ҳалқ хўжалигида ҳар қандай мутахассис, мисол учун, қишлоқ хўжалигида агроном бўладими ёки саноатда мұхандис, курилиш соҳасида курувчи бўладими, ўз қобилияти ва салоҳиятини қандай намоён этса, профессионал армияда хизмат қиладиган ҳарбийлар ҳам ўз касб-маҳорати ва билимини амалда шундай кўллаш имконига эга бўлсин».

Контракт бўйича хизмат қуролли кучлар сафидағи ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари орқали давлат билан тузиладиган контрактта биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тарикасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайди.

Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Айни пайтда дастлабки контракт хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича 3 йил, офицерлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича 5 йил муддатга тузилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври келгусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида 5 йил мажбурий ўташ шарти билан контракт тузилади.

Ҳарбий хизматнинг контрактда назарда тутилган муддати тутагандан кейин тарафларнинг келишуви билан бу муддат янги контракт тузиш орқали узайтирилиши мум-

кин. Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Конунда хизматнинг яна бир тури — Куролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаган захирачилар хизмати кўрсатилган. Захирачилар хизмати ҳакиқий ҳарбий хизматни, шунингдек, сафарбарлик чакируви захирасидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматта мажбурлар учун Куролли Кучларнинг кўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек, уруш даври тақозо этидиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизматдир.

Захирачилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида, қоида тарикасида, кўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий ҳисобидаги ихтисослик бўйича мажбуриятларини тинчлик ва уруш даврида бажариши учун зарур бўлган кўникмаларни сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида худудий принцип асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йигинларни ўташга жалб этилиши мүмкин.

Захирачилардан уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳди迪 ва мамлакат ҳавфсизлигига таҳдид бўлганида, табиий оғатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан кўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговар мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Куролли кучлари такомиллашиб, ҳарбий хизматчиларимизнинг ҳарбий маҳорати ошиб бормоқда. Ўзбекистон 1995 йил июль ойида НАТОнинг «Тинчлик

йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилган. Бу дастур томонидан АҚШда, Қозогистон ва Ўзбекистонда уюштирилган ҳарбий машқ офицер ва аскарларимизнинг ҳарбий техник тайёргарлигини янада кўтаришга хизмат қилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташабуси билан миллый божхона хизмати ривожига янги мазмун бағишладиган Ўзбекистон божхона хизмати ва тизимини барпо этиш гояси илгари сурилди ҳамда юртбошимизнинг 1991 йил 25 октябрдаги фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Божхона кўмитаси ташкил этилди.

Божхона хизмати мамлакатнинг иқтисодий суворенитетини ҳимоя қиласидиган энг муҳим муассасалардан бири бўлиб, у давлатнинг ташки ва ички сиёсатини амалга оширишда устувор аҳамиятта эга. Самарали божхона назоратини таъминлаш ва республиканинг божхона ҳудудида товар айрбошлишни тартибга солиш, иқтисодиёт ривожланишини раъбатлантириш, ички бозорни ҳимоя қилиш божхона сиёсатининг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Республикамизнинг ташки сиёсий ва иқтисодий алоқалари ўсган сари божхона тизими ҳам, унга юклатилиган вазифа ва мажбуриятлари ҳам кенгайиб борди.

Бундай шароитда божхона хизматини мустаҳкамлаш ва изчил такомиллаштириш керак эди. Ана шу мақсадда Президентнинг 1992 йил 10 августдаги фармони билан Ички ишлар вазирлиги хузуридаги товар-моддий бойликлар олиб чиқиб кетилиши устидан назорат қилувчи Давлат инспекцияси бош бошқармаси ва Божхона кўмитаси ташкил этилди. Шу билан бирга, мазкур фармон асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда божхона бошқармалари ташкил этилди.

1993 йилга келиб маҳсулотнинг экспорт қилиниши импортдан ошиб кетди, республикада ташки иқтисодий фаолиятнинг салкам 4 минг иштирокчиси, жумладан, хорижий сармоялар иштирокидаги мингдан ортиқ корхона

фаолият кўрсата бошлади. Бу вақтта келиб, Ўзбекистон божхонаси ёста-секин замонавий технологиялар ва техник воситаларга эга бўлган қудратли ҳамда таъсирчан давлат тузилмасига айланди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиб бориши натижасида божхона ишини ташкил этишни такомиллаштириш, яхлит божхона сиёсатини ўтказиш, республика божхона органлари фаолиятининг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш, уларнинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги ролини кучайтириш, божхона иши соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида 1997 йилнинг 8 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида Давлат солик қўмитасининг Бош божхона бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси ташкил этилди. Миллий божхона хизматининг мақомини юксалтириш республикада божхона ишини янада такомиллаштиришдан гувоҳлик беради. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, айнан ана шутарихий ҳужжат туфайли божхона органларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи мақоми берилди ва унга юкланганди масъулият янада оширилди. Чунки божхона тизими мустакил давлатнинг иқтисодий пойдеворларидан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз томонидан 1997 йилнинг 8 июлида эълон қилинган мазкур Фармон божхона хизматининг ҳуқуқий асоси бўлган қатор қонунларнинг қабул қилинишига замин яратди. Ўзбекистон Республикасининг “Божхона кодекси”, “Бож таърифи тўғрисида”ги ва “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатлари ривожланган давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда, улар даражасида яратилганлигини нуфузли ҳалқаро ташкилотлар мутахассислари эътироф этмоқда.

Бугунги кунда суверен Ўзбекистоннинг божхона хиз-

мати 13 та худудий ва Тошкент шаҳар божхона бошқармалари ҳамда "Тошкент-Аэро" иктинослашган божхона мажмум таркибидаги 186 та божхона пости, товарларнинг божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган чегарадаги 127 та ва 59 та ташки иктисидий фаолият постини ўз ичита олади.

Божхона кизматининг шаклланиш босқичида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ташкизи этилди. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Бонг божхона бошқармаси таркибida Ўкув марказининг ташкизи тогтиши божхона мутахассислари тайёрлашда қўйилган муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" ги қарорининг қабул килиниши Юргбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан ушбу соҳага катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Мазкур қарор асосида Олий ҳарбий божхона институтининг ташкил этилиши эса божхона тизими учун замон талабларига жавоб бера оладиган етук мутахассислар тайёрлаш имкониятини яратди.

Олий ҳарбий божхона институтининг "Қайта тайёрлаш ва малака ошириш" факультетида бугунги кунга қадар 555 та ходим малака оширди, 84 та ходим қайта тайёргарлик курсларида таҳсил олди, божхона тизимига янги қабул килинган 127 та ходим бошлангич тайёргарлик курсини битирди.

Ўзбекистон божхонаси бугунги кунда Жаҳон божхона ташкилоти, Европа иктисидий комиссияси, Бирлашган Миллалар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва уюшган жинояятчиликка қарши кураш дастури, Автомобиль транспорти халқаро иттифоки, Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Жаҳон

банки, Корея ва Япония халқаро ҳамкорлик агентликлари, Иктиносидий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа қатор нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотдар билан ҳамкорлик килиб келмокда.

Бугунги кунда Ўзбекистон божхонаси жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносаб ўрнига зга бўлиб бормокда. Жаҳон божхона ташкилоти билан амалга оширилаётган ҳамкорлик фикримизнинг яққол далилидир. Мамлакатимиз ушбу нуфузли ташкилотга 1992 йил 28 июлдан бошлаб ҳақиқий аъзо бўлди. 160 дан зиёд мамлакатни ўз ичига олган бу халқаро тацкилотнинг меъерий-хуқуқий хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексини ишлаб чиқишида андоза бўлиб хизмат қилди. Айни пайтда Давлат божхона кўмитаси Жаҳон божхона ташкилотининг сиёсий ҳайъати, техник кўмитаси сессиялари кенгашида фаол иштирок этиб келмокда, 2000 йилнинг июль ойида эса Ўзбекистон унинг Молия кўмитасига аъзо этиб сайланди.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Ўзбекистон — жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчиси.....	1. 4.
Ўзбекистон манфаатини ҳимоя этиш — ташқи сиёсатимизнинг асосий мақсади.....	16
Мудофаа ва хавфсизлик органлари тизимини ривожлантириши.....	24